
**БИОЛОГИЯ ТАЪЛИМИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҶҲИНЛАРДАН
ҲОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ**

Холбоева Мунисхон Мавлановна

Жиззах вилояти Педагогларни янги методикаларга ўргатиш
миллий маркази биология фани ўқитувчиси

Талабаларни биология фанига бўлган қизиқишини орттириш, ва интеллектуал ривожланишини таъминлашда, уларни мантикий ва ижодий фикрлашга йўналтирадиган интеллектуал ўйинлардан фойдаланиш ўзига хос аҳамият касб этади [4]. Таълим жараёнида интеллектуал ўйинлардан фойдаланиш талабаларни мустақил фикрлашга, ижтимоий-маънавий тафаккурининг кучайишига ёрдам берадиган замонавий педагогик технологияларни ўқув жараёнига қўллаш орқали, уларни илм олишга қизиқишларини орттиришга, билим, кўникма ва малакаларни чуқур эгаллашга катта имконият яратади [1].

Биологияни ўқитишда интеллектуал ўйинлардан фойдаланишда, унинг умумий мезони аниқ ва пухта ўйланган шунингдек, мақсадга йўналтирилганлигидадир.

Интеллект – психологик механизмлар тизими бўлиб, шахс ичида атроф-оламнинг адекват моделини (манзарасини) тузиш имкониятига хизмат қилади ва унда ўз хулқи, фаолиятини мақбул ташкил этиш, ўзининг шахсий эҳтиёжларига аниқ объектив талаб яратиш ҳамда режали тартиб яратишга асосланади.

Интеллект тушунчасига таълимий ёндашув нуқтаи назаридан мақсадга йўналтирилган ўқитиш маҳсули сифатида қаралади.

Интеллектуал атамаси латинча *intelectus* сўзидан олинган бўлиб “ақл, онг” инсоннинг ақлий қобилияти маъноларини билдиради. Бинобарин, интеллект деганда, одатда, автоматик тизимларнинг инсон интеллектига хос айрим вазифаларни олдин олинган тажриба асосида энг мақбул қарорларни танлаш ва қабул қилиш ҳамда ташқи таъсирлардан оқилона фойдаланишни ўз зиммасига олиш хусусияти сифатида талқин қилинади. Интеллект – бу инсоннинг эслаб қолиш ва мақсадга йўналтириган ҳолда ўзлаштириш қобилиятидир. Билим олишнинг интеллектуал тизимини яратиш ва жорий этиш жараёнида инсоннинг ақлий тараққиётини тадқиқ қилиш бугунги кунда фан олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлибгина қолмасдан, балки бу муаммо қадимги даврларда ҳам

Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”

Hosted Online from Bilbao, Spain on November 10th, 2022.

www.conferencezone.org

марифатпарвар мутафаккирларнинг диққат марказида бўлган. Уларнинг нуқтаи назарига кўра “нус” ақл инсон руҳининг олий, шу билан бирга, ўзига хос тафаккур таркиби бўлиб, Платон ва Аристотеллар олам, борлиқни билишнинг энг мақбул йўли эканлигини таъкидлаб ўтадилар [3; 69].

Таълим жараёнида интеллектуал ўйинлардан фойдаланишда педагогик технологиянинг воситали йўналтирилганлиги, унинг имкониятларини кенг очиб беради. Бу ўринда, таълимнинг ташкилий жиҳатлари, мақсадга эришиш усули сифатида қаралади. Биологияни ўқитишда интеллектуал ўйинлардан фойдаланиш, талабаларнинг белгиланган мақсад йўлида ҳаракат қилишларини узлуксиз назорат қилишни кўзда тутаяди. Мазкур жараён таълим тизимининг юқори даражали имкониятларини очиб беради. Интеллектуал ўйинлардан фойдаланишда асосан таълимнинг тўлалигича стандартлаштиришга йўналтирилганлиги, яъни ўйин турларининг ишлаб чиқилишини назарда тутаяди.

Ҳозирги кунда бутун жаҳон педагогикасининг тадқиқот объектига айланган ўқитувчи ҳамда талаба ўртасида юзага келувчи муносабатлар мазмунини ифодалаш интеллектуал ўйинлардан фойдаланиш жараёнида ушбу муносабатларни шакллантиришни назарда тутаяди.

Й.Хейзинга фикрича: ўйин-маданият феномидир. Ўйин маданий шакл сифатида тез ўз ўрнини топади. Бир маротаба ўйналган ўйин талаба хотирасида ижод ёки маънавий бойлик шаклида қолади.

Умуман, ўйинни шакли нуқтаи назаридан фикран “ҳақиқий бўлмаган”, кундалик ҳаёт билан боғланмаган, шу билан биргаликда ўйинчини тўлиқ ўзига жалб қилган шартланмаган эркин фаолият деб айта оламиз [2; 26].

Ўйиннинг маданият категорияси сифатида батафсил таҳлили, унинг инсоният шаклланишининг дастлабки даврларида пайдо бўлиши ва замонавий инсон учун моҳияти машҳур маданиятшунос Й.Хейзинга томонидан XX аср ўрталарида «Homo Ludens» — «Ўйнаётган одам» асарида ёритиб берилган. Унинг фикрича, ўйинга муҳим ўрин эгаллайдиган зўр қизғинлик ҳосилдир: Қизғинлик бир томондан гумонсираш бўлса, иккинчи томондан имкониятнинг мавжудлигидир. “Баъзи бир нарсалар баъзи бир ҳаракатлар туфайли қўлга киритилади” Айнан яхшилик ва ёмонлик соҳасидан ташқарида бўлган шу қизғинлик элементи ўйинга ахлоқий маъно бағишлайди. Чунки, ўйин қизғинлиги ўйинчининг: жисмоний кучини, бардошлилигини, қатъийлигини, ўжарлигини, зукколигини ва мардлигини, шу билан бирга руҳий кучини синовдан

Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”

Hosted Online from Bilbao, Spain on November 10th, 2022.

www.conferencezone.org

ўтказди. Ўйинда ғолиб чиқиш истагида бўлган талаба ўзини белгиланган тартиб доирасида ушлашга мажбур бўлади.” Қизғинлик элементи ҳаддан ташқари юксак бўлсаю, ғалаба қозониш эса унча аҳамиятли бўлмаса, киши ўйинга қатнашмайди.

Ж.О.Толипова томонидан инсон ҳаётида ўйин фаолияти қуйидаги функцияларни бажариши таъкидлаб ўтилган:

ўйин ҳар доим шахснинг маълум бир фаолиятига бўлган қизиқишини орттиради;

ўйин давомида шахснинг мулоқотга киришиши коммуникатив-мулоқот маданиятини эгаллашга ёрдам беради;

шахснинг ўз иқтидори, қизиқиши, билимини ва ўзлигини намоён этишига имкон яратади;

ҳаётда ўйин жараёнида юз берадиган турли қийинчиликларни енгишга, мўлжални тўғри олиш кўникмалари таркиб топади;

ўйин жараёнида ижтимоий меъёрларга мос хулқ-атворни эгаллаш, камчиликларга барҳам бериш имконияти яратилади;

шахс структурасига тегишли ўзгартиришлар киритилади, яъни ижобий хислат ва фазилатларни шакллантиришга замин тайёрлайди;

инсоният учун аҳамиятли бўлган қадриятлар тизими, айниқса ижтимоий, маънавий-маданий қадриятларни ўрганишга эътибор қаратилади;

ўйин иштирокчиларида жамоавий мулоқот маданиятини ривожлантириш кўзда тутилади [1; 55-56].

Биологияни ўқитишда интеллектуал ўйинлардан фойдаланиш лойиҳалаш босқичларини ҳам назарда тутиши шунингдек, бу босқичларини ишлаб чиқиш, унинг ютуқ ва камчиликларини тўлдириб бориш лозим.

Уларга асосланган ҳолда биологияни ўқитишда интеллектуал ўйинлардан фойдаланиш уч босқич асосида олиб борилишни назарда тутади (1.1-жадвал). Босқичларнинг ишлаб чиқилишидан кўзда тутилган мақсад, талабаларни фанга бўлган қизиқишларини янада орттириш, билиш фаолиятини фаоллаштириш, улар ўртасида ўзаро рақобатни юзага келтириш, ўқиш жараёнидаги қийинчиликларни интеллектуал ўйинлар воситасида бартараф этишдан иборат.

Босқичлар кетма-кетлигининг узвий боғлиқлигини таъминлаш ўқитувчининг учала босқичнинг бир-бирига мувофиқ ҳолда кетма-кетликда бир-бирини тўлдириши, талабаларнинг билим фаолияти яъни муайян

Proceedings of International Congress on “Multidisciplinary Studies in Education and Applied Sciences”

Hosted Online from Bilbao, Spain on November 10th, 2022.

www.conferencezone.org

1.1-жадвал

Босқичлар	
Биринчи босқич Биологияни ўқитишда интеллектуал ўйинлардан фойдаланганда умумий, яъни асосий мақсадни белгилаб олиш.	Иккинчи босқич Биологияни ўқитишда интеллектуал ўйинлардан фойдаланишда реал муайян гуруҳларга бўлиш ва ҳар бир гуруҳ учун асосий мақсадни амалга ошириш йўлида турли қийинчиликларни енгиб бориш.
Учинчи босқич Биологияни ўқитишда интеллектуал ўйинлардан фойдаланган ҳолда талабаларни билим даражасини олдиндан қисман баҳолаш, яъни интеллектуал саволларга асосланган ҳолда билим даражасини ошириб бориш.	

мақсадни аниқ назорат усуллари ҳамда таълим шакллари асосида бир неча марта такрорланиб бориши уларнинг билиш фаолиятини ривожлантиришга имкон яратади.

Ҳар қандай интеллектуал ўйинлар таълимни ривожлантирувчи таъмоийларга асосланган бўлиб, талабаларни ақлан тарбиялашга, уларга ҳар тарфалама билим беришга йўналтирмоғи лозим.

Фойдаланган адабиётлар

1. Толипова Ж.О., Гофуров А.Т. Биология таълими технологиялари. – Т.: Ўқитувчи, 2002. – 126 б.
2. Шарипов Ш.С., Арипов М., Бегимқулов У.Ш. ва бошқ. Билим олишнинг интеллектуал тизимини ишлаб чиқиш назарияси ва амалиёти” Монография. “Фан нашриёти” Тошкент.– 2011. – 205 б.
3. Эргашева Г. Использование интеллектуальной системы обучения
4. в организации самообразования студентов // Актуальные проблемы современной науки. –№ 1 (69) 2013 г. Россия, – Москва. – С. 89–90.
5. Эргашева Г.С., Онгаров М. Биология таълимида интеллектуал ўйинлардан фойдаланишнинг амалий аҳамияти // Гармонично развитое поколение–условие стабильного развития в республике Узбекистан. Сборник научно–методических статей, –Ташкент–2014, –С. 285–286 б